

САНЪАТ ОЛАМИДА

БУТУНИТТИФОҚ ФЕСТИВАЛИ ҚАТНАШЧИСИ

Куня кеча қардош Гру-
занининг пойтахти Тбилисида
Бутуниттифоқ ёшлар спек-
таклари фестивали бошлан-
ди. Бу санъат байрами
СССР Маданият министр-
лиги, ВЛКСМ Марказий Ко-
митети, маданият ходимлари
қасаба, союзлари, Марказий
Комитети ва Бутунроссия
Театр жамияти ҳамкорлигида
Ўтказилмоқда.

Фестивалда Иттифоқимиз-
нинг барча республикалари-
дан театрлар қатнашляпти.
Масалан, унда М. Горький

номидаги Москва Бадий
академи театри ва Моссо-
вет номидаги театрнинг қат-
нашляни катта воқеадир.

Ўзбекистондан эса Самар-
қанд область Ҳамид Олим-
жон номидаги Ўзбек давлат
драма театри санъаткор-
лари қатнашляпти. Улар
фестивалда машҳур дра-
матург В. Брехт асари
асосида ишланган «Бандан
гумроқ» спектаклини кўра-
тадилар. Т. Турсунов таржи-
ма қилган бу асарни истеъ-

додли режиссёр Тожибой Ис-
роилов саҳналаштирган.
Асар руҳига мос безаклар
эса, расом Эсон Мухамма-
дас ижодида мансуб.

«Бандан гумроқ» самар-
қандлик санъаткорларнинг
КПСС XXVI съезди ҳамда
Ўзбекистон Компартияси-
нинг XX съездида бағишлаб
саҳналаштирилган энг яхши
асаридир. Спектакль ижод-
корлари Бутуниттифоқ кўри-
гда биринчи даражали дип-
лома сазовор бўлишган.

Бутуниттифоқ фестивалида
намоиш этиладиган бу асар-
дан ролларни Ўзбекистон
ССР халқ артисти Зайнаб
Содиқова, шунингдек, Ма-
вжуда Шокирова, Абдужа-
бод Каримов, Солижон Ҳа-
кимов ва бошқалар ижро
этишди.

Спектакль режиссёри Т.
Исроилов ёш, аммо бир ка-
тор оригинал ишлари билан
этибор қозонган. Унинг
рахбарлигида саҳналашти-
рилган «Семург» спектакли
1980 йилда Бутуниттифоқ
болалар ва ўсмирлар фести-



ТОШКЕНТ ИМТИҲОНИ

Олим Ҳўжаев номидаги
Сирдарё область музыкали
драма театри республика-
мизда энг ёш ижодий кол-
лективлардан бири. У ўз
фаолиятини ёзувчи Абдулла
Қаҳҳор қиссаси асосида тай-
ёрланган «Мухаббат», маш-
ҳур Озарбайжон драматурги
Узеир Ҳожибековнинг «Ар-
шин мол-олон», Ҳамза Ҳа-
кимзода Ниёзийнинг «Бой
ила хизматчи» спектакллари
билан бошлаган. Ҳозирга қад-
р саҳналаштирган асарла-
римиз орасида жаҳон ва рус
классикаси намуналари, со-
вет драматургларининг асар-
лари бор. Бу спектакллари
томошабинларга етказишда

республикада хизмат кўрас-
ган артистлар М. Маҳмаде-
ван, Ш. Раҳматуллаева, А.
Ғафуров, Ғ. Ҳамидуллаев
каби режиссёр, актёр ва ак-
трисаларнинг хизматлари кат-
та.

Театримизнинг репертуар-
идан мустаҳкам ўрин олган
сахна асарлари орасида В.
Шукшининг «Сергейрат ки-
шилар», В. Шекспирнинг
«Ричард III», Хуршидиннинг
«Лайли ва Мажнун», Шукр
Саъдулланнинг «Ерилош»,
А. Гельманнинг «Имзо»,
Машраб Бобоевнинг «Ер то-
мири», Бахриддин Насридди-
новнинг «Гулшандаги шум-
да-йя» драма, трагедия ва

комедиялари бор. Кейинги
олти спектакли Тошкентда
бошланган гастролларимиз
лайтида кўрсатилган.

Тошкент гастролли биз,
сирдарёлик санъаткорлар
учун ўзига хос имтиҳон.

Ижодий сафардан умиди-
миз катта. Машҳур санъат-
корлари, тўғрироғи, актёр ва
актрисалари, режиссёрлари
билан доврў таратган Тош-
кент театрларининг ижодкор-
лари, ҳамкасбларимиз спек-
такларимиз ҳақида ўз фикр-
мулоҳазаларини билдирадиган,
бой тақрибларини ўр-
тоқлашадиган, деган ниятда-
миз.

Спектаклларимизга марҳа-
мат, дўстлар!

Р. ҚУДРАТОВ,
О. Ҳўжаев номидаги Сир-
дарё область музыкали
драма театрининг ди-
ректори.

Суратда: Машраб Бобоевнинг КПСС XXVI съездида бағиш-
ланган «Ер томири» асарида бир кўриниш.

С. Маҳмадов фотоси.

**ТЕКИНХЎРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ
ПУШАЙМОНДАН
ФОЙДА ЙЎҚ**

Шокурбон ўғил уйланти-
радиган бўлиб қолди. Узин-
гиз биласиз, ҳозир ўғил уй-
лантириш ё қиз чиқариш-
нинг ўзи бўлмайди. Шокур-
бондай одам ҳам бунинг қан-
дай бўлишини тўй қилаётган-
да билиди. Нонушта лайти-
да хотини бўлажак келини-
нинг сарпо-сурлолари тўри-
сида оғиз жуфтладию, ба-
лаюб қолди.

— Э, амакижон, нималар
деласиз, — Валихон лаби-
лабига тегмай бидирлаб кет-
ди. — Келинга оларкансиз,
пунинг бетига қараб ўтира-
санми. Олинг, сизга арзон
қилиб бераман, метри ўттиз
икки сўмдан.

Ўттиз икки сўм... Оғзи-
нинг бир чеккасида чиқиб
кетди-я. Хотини икки ярим
метр деганидир? Саксон
сўм... Айташга осон. Шо-
курбон ноллоқ титраб тур-
ган бармоқлари билан пул
санаб Валихонга туғазди.

— Тоша молнинг фарига
борадиган одам экансиз, —
борадиган одам экансиз, —
иқносига жойларкан. У эн-
ди сўмга қараб қолган ўттиз
метр тазламани ҳам тазроқ
тулаш тўғрисида ўйларди.

Шунинг учун у Шокурбон
акага сир айтётгандай аста
шавирлади: — Мабодро, тўй-
хашама яна газомл керак
қолиб қолгудай бўлса тўпа-
тўри унингга бороверинг.
Шомаҳмуров кўчасида 5-
уйда лшайман. Валентина
Ладаҳужаванинг уйи қаерда
десангиз, кўрсатиб қўйиша-
ди.

Қимматига бўлса ҳам хо-
тини айтган парасни топа-
ганини уйлаб Шокурбон Ва-
лихонга ҳеч нарса демай уйга
шошилди.

— Хўш, дедаси, топдиги-
ми? — унга пешвоз чиқ-
ди хотини. Сўнг Шокурбон-
нинг қўлига қоп тутазаркан
уна тайинлади. — Энди Аб-
дулла қасбонини бориб
келасиз. Тўйи тўғрисида ҳозир-
дан олиб қўймасангиз шар-
манда бўлмасиз-а...

Калинин райониди «Ўз-
бекистон» уюшмасининг «Ба-
ҳор» кўчасида 20-уйда
йашайдиган Абдулла Раҳма-
туллаев ҳозиргина келти-
рилган юз килограмдан ор-
тиқ от гўштини саралаб
ўтирган эди. Шокурбонни
кўриб ўрнидан турди:

— Тўй муабрак, Шокур-
бон, эшитиб хурсанд бўл-
дим. Икки-юл қўшгани бил-
ан қўша қаришсин, бахтли
бўлишсин.

— Раҳмат, огайни, —
Шокурбон у билан кўришар-
кан мақсадини айтиди. —
Ўзинг бир хизмат қилиб
юбормасанг бўлмайди. Гўшт
керак эди...

— Бош устига, дўстим.
Қанақасидан керак? От гўш-
тини, қўй гўштини, ё мол
гўштини? Тортинмасдан ай-
тавер, белгиланган кўнунгда
Ўзим элтиб бераман...

Харидор ўз оғи билан
кириб келгандан Абдулла-
нинг оғзи қўлигига етгудай
бўлди. У шу кўнунг Тош-
кент ресторанида третиға
қарашли «Зарафшон» ресто-
ранининг «Кулинирия» ма-
газинида ошпаз бўлиб иш-
лайдиган таниши Абдувоҳид
Бўтаевнинг ҳузурига югу-
рди.

— Ука, гўшта харидор
чиқиб қолди. — Абдувоҳид
ни бир четта тортиб шавир-
лади у. — Тўйга экан, оғ-
зингдан чиққанини беради.

— Кўда соз. Кета сотиш
учун 357 килограмм қўй
гўштини олдинг. Ҳўжайни-
дан бир оғиз сўрайчи...

Юлдузин бенаров уради-
ган бу йилги тарознинг по-
сангисига қараб иш қилишга
одатлангани учун, магазинга
чиқарилган 357 килограмм
гўштини бир ўн ҳазм қилиб
юборишдан нўчиди. Мудир-
нинг розилигини олмоқчи
бўлди.

«Кулинирия» магазини-
нинг мудир Галина Болди-
рева Абдувоҳиддан мўмай
фойда ҳақидаги «хўшабар»
ни эшитдию, мумдай эриб
кетди.

— Гўшт дўконда сотилди
нимало, қўлда сотилди ни-
ма, барибир эмасми? Майли
бериб юбораверинг, — деб
руқсат берди.

Абдувоҳид Бўтаев вақтин-
беҳуда ўтказмай ресторан-
да третиға қарашли маши-
на шофери Собиржон Ортиқ-
хўжаев билан галини бир
жойга қўйиб магазиндаги
гўштининг ҳаммасини Аб-
дулланнинг уйига элтиб бер-
ди. Энди Шокурбон сингари
тўйчи харидорлардан икки-
учтаси бўлса бозор нарҳида
сотаверишди...

Ҳамма ни хамридан қил
сугурганди оғла-осон битиб
турган «Видео», аммо... Ҳа,
қолган галининг «аммо»-ю,
қиниринининг гавғоси бор,
деганлари рост экан. Юқо-
рида номлари тилга олинган
ағра қўли шакслар навобат-
да дарамадди ишчи амал-
га ошираётганда қўлга ту-
шиб бошлари гавғого қолди.
Улар илгари ўзларининг
чапдастлиги, шохи бир ёқ-
да қолиб, баргида юришла-
рига ишониб, қилмишлари
фос бўлиб, шарманда шар-
мисор бўлишларини уймамас
эдилар. Чайқовилини, юлчу-
лик оқибати нима билан ту-
гашини мана энди ўз бош-
ларидан кечирляпти. Бирок,
оҳирги пушаймондан энди
учун қанчалик уринмасин,
барибир бир кунни сирини
бўлади. Чунки бизда элнинг
назаридан четда қоладиган
ҳеч нарса йўқ. Эгри битган
элнинг ўзи тўғрילайди,
деган мақол бор халқимиз-
да. Чайқовили, порахўр, та-
мақил сингари иллатли шахс-
ларга эр орасида асло ўрин
бўлмаслиги лозим.

Н. ЖАМОЛОВ,
Ўзбекистон ССР Ички
ишлар министрилиги
ЎБХСС бошлиғи

**«ПАХТАКОР» —
ЯГОНА ПЕШҚАДАМ**

Мавсум олдидан:
— «Пахтакор» бу йил ту-
шиб кетса керак!
— Бир нима дейиш қийин,
чунки берилган уч йиллик им-
тиз ҳам туғадиган.

— Бу дейман, икки учра-
шуви сафарда бўларкан, де-
мак «куруқ» қайтар эканда.

— Бекорчи гап, ахир Ду-
шанба шаҳрида ўтказилган
турнирда қойил қилди-ку! Бун-
дан ташқари Кубок ўйин-
ларида ҳам бўш келмади.

Чемпионат бошида:
— Ахир, Мисвада «Торпедо»
билан очко бўлшиб, Ўзбекистон
КПСС Ички доғда қолдиришнинг
ўзи бўлмасми?

— Бўлмасамчи! Пахтакорчи-
лар устози Секочини аниқла-
рданмас десам, қўл силтар
эдиларинг.

— Шахти борнинг нақди
бор, деганларидек сафар
ўйинларидан уч очко билан
қайтиш, яна мавсум боши-
да...

Ҳа, мухлислар баҳси-
дан кўриниб турибдики,
шубҳалар, иккиланмишлар че-
киномда. Унинг ўрнини
«Пахтакор»нинг келажигига
бўлган ишонч ва умид эгал-
лаб борапти. Мухлислар Тош-
кентда «Шахтер» билан ўтказ-
илган ўйиндан кейин кўпроқ
таскин топишди. Маълумки,
ҳужумкорлик «Пахтакор»га хос
азалии услуб. Янги таркиб
топгани команда ўйинчилари
ана шу услуб аъёнисини да-
вом эттиришга таянган. Аниқ-
қас тасхисга лойиқдир. Бизнинг
пахтакорчилар устози масъу-
лият билан тадбиркорона иш
юртмоқда. Уш шогирдларнинг
иқомиятларида тўлиқ фойда-
линишга ҳаракат қилимоқда.
Чунки Аҳмадов билан Ислом-
овнинг биринчи учрашувида
ҳимоячилар сафига қўшди. У-
чрашулар мобайнида Медя-
нов, Якубик, Кабаевларни ўйин
лайтида майдонга тушириб,
турли ўринларда фойдаланиб
қўрди.

Олий лигачилар сафига ма-
лубиятсиз ўйнаётган «Қўбани»
коллективни билан пахтакорчи-
лар учрашувида қизикли бе-
ноҳя бўлди. Бомис ҳар иккала
команданинг мазеки бир хил
бўлиб, фақат галаба пешқа-
дамликка йўл очгани мумкин
эди. Учрашув қизиги спорт
курашига айланди. Ҳар бир

мухлислар пахтакорчилар-
дан мазмун бўлишмоқда. Фут-
болчиларимиз ўзларининг аҳо-
либ ўйинлари билан қўнчили-
да меҳр уюғотишмоқда. Ста-
дионга «қўбани» келатганлар
сафи ўйиндан ўйинга ортиб
борапти. Зеро пахтакорчилар-
да бахти камчиликлари ҳам йўқ
эмас. Чунки, қўлга киритил-
ган галабани учрашув охири-
гача улашб турнишда сабр-
тоқат этишиш қояпти. Ўйин
туғрисида саноқли хизматлар
қолганида тўп ўтказиб юбори-
лиши стадиондаги кўзгични
қайиғига салбий таъсир қи-
ляпти. Шу тўғрисида сафарда
дарозасининг дахлсизлигини
эришган «Пахтакор» ўз май-
донда иккита тўп ўтказиб
юборди.

Умуман бундан буён ҳам
ҳужумкор ва шиддаткорлики
бўламшармай, барқарорлики
таъминлашга ҳаракат қилинса,
ҳар бир олдига тешилиш са-
мараси учун астойдил кура-
шишса, команда маъкек тобо-
ра мустаҳкамлашиб боравера-
ди.

Қолган учрашувларда қўй-
идаги ҳисоблар қайда қилин-
ди: «Қайрат» — «Шахтер» —
2:1, «Арабат» — «Динамо»
(Мн) — 1:1, «Спартак» —
ЦСКА — 2:1, «Нефчи» —
«Металлист» — 1:0, «Торпедо»
(К) — Днепр — 2:3. Пахтакор-
чилар энди сафарга йўл олиб,
«Днепр» ва «Металлист» кол-
лективларининг меҳмони бў-
ладилар.

Ҳ. НОСИРОВ.

У Ч Э Г И З А К

Яққабоб райониди Кали-
нин номи колхозда яшовчи 2-
сўт-товар фермасининг ишчи-
си Эшқувлат Маматов билан
уикин ур йўлдоши илгор пах-
такор Курбоний Маматовга ой-
ласида қувончи воқеа рўй
берди. Курбоний бир йўла 3
фарзанд қўрди. Жамилларга
Фотима, Зухра, Зулайхо деб
исм қўйилди.

Она ва болалар соғлом,

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Республика кинофильмлар прокати контораси
КИНОЭКРАНЛАРГА ҚУЙИДАГИ ЯНГИ БАДИИИ
ФИЛЬМЛАРНИ ЧИҚАРАДИ

«ҚУТУРГАН ПУЛЛАР»
(А. Н. Островскийнинг шу номдаги комедияси асосида)

Сценарий айлари ва ре-
жиссёр — Евгений МАТ-
ВЕЕВ.

Ролларни ижро этувчи-
лари: Людмила НИЛЬСКАЯ,
Елена СОЛОВАЕВ, Алек-
сандр МИХАЙЛОВ, Юрий
ЯКОВЛЕВ, Павел КАДОЧ,
НИКОВ, Леонид КУРАВ-
ЛЕВ, Вадим СПИРИДОНОВ
ва бошқалар.

Е. Матвеев буюк драматург асарини экранлаштирар экан,
хонавайрон бўлган москвалик дворянлар вакилларини, нап-
талистин Россиянинг янги «ишбармон» кишиларининг очу-
лиларини аниқ кўрсатиб берган.

**«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲ-
СУЛОТИ.**

«О Л Т И Н Ч И»
Сценарий айлари — Рамиз
ФАТАЛИЕВ.
Режиссёр — Самвел ГАСПА-
РОВ.

Ролларни ижро этувчи-
лари: Сергей НИКОНЕНКО, Михаил
ПУГОВИЧ, Михаил КОЗЮКОВ,
Нина МЕНЬШИКОВА, Мария
ЯКОВЛЕВА, Владимир ГРАМ-
МАТИКОВ ва бошқалар.

«Олтинчи» фильми совет милицияси, дастлабки ҳуқуқ ҳи-
моиячиларининг қаҳрамонлиги ва мардлиги бағишланган.

**М. ГОРЬКИЙ НОМЛИ БОЛАЛАР ВА
ЎСМИРЛАР ФИЛЬМЛАРИ МАРКАЗИН
СТУДИЯСИ.**

**МЕҲНАТ ҚИЗИЛ ВАЙРОҚ ОРДЕНЛИ В. И. ЛЕНИН
НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**
профессор-ўқитувчилар составидаги
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
нафедра мудири: табииётшунослик факультетларида
рус тили, педагогика,
нафедра доцентлари: геометрия, иқтисодий факультетларида
фалсафа, фалсафа-иқтисод факультетларида сиёсий иқтисод (2
ўрин), янги ва энг янги тарих, ҳуруқлик гидрологияси, тай-
ёрлов факультетларида жамиятшунослик фанлари, ўзбек клас-
си адабиёти, СССР халқлари адабиёти, чет элликлар учун
рус тили (2);
нафедра катта ўқитувчилари: СССР тарихи, матмўрий ва
моллий ҳуқуқ, илмий ҳуқуқ, иқтисодий факультетларида
КПСС тарихи, табииётшунослик факультетларида КПСС тарихи,
ушумий математика (амалий математика ва механика
факультетлари), тайёрлов бўлимида иқтисодий фанлар;
нафедра ўқитувчилари: тайёрлов факультетларида рус тили
(2), фалсафа-иқтисод факультетларида сиёсий иқтисод, чет эл-
ликлар учун рус тили, тайёрлов бўлимида иқтисодий фанлар;
нафедра ассистентлари: радиооюн физика, умумий физика
(физика факультетлари), электрон-ҳисоблаш машиналари ва
программалаштириш.

КОНКУРС МУДДАТИ — 25 АПРЕЛГАЧА.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, студентлар шаҳар-
часи, ТошДУ, матмўрий бимо, 6-қават, 63-хона, ўқулар
бўлими.

**ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ
ХАЛҚ ҲЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ**
1982—1983 ўқув йили учун
СИРТИҚ ФАКУЛЬТЕТГА
қўйидаги мутахассисликлар бўйича

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
халқ Ҳўжалигини планлаштириш, саноатни планлаштириш,
моддий-техника таъминоти экономикаси ва планлаштириш,
меҳнат экономикаси, ишлор Ҳўжалигини планлаштириш,
савдо экономикаси, молия ва кредит, статистика, бухгалтер-
лик ҳисоби (саноатда, ишлор Ҳўжалигида, савдода ва дав-
лат банкида).

Ўқитиш муддати — 5 йил.
Институтга кирувчилар қабул комиссиясига қўйидаги ҳуж-
жатлари топширадилар: арзиз, ўрта маълумот тўғрисидаги
хужжатнинг асл нусхаси, иш йўлидан характеристина, меҳнат
(нолхор) дафтарасидан кўчирма, соғлиги тўғрисидаги справка
(288-форма), 3х4 см. ҳажмдаги 6 донга фотосурат.

Кирувчилар олий ўнв юртига ҳужжат топшириш учун кел-
ганларига паспорт, харбий билет йки харбий хизматга ало-
қадорлиги ҳақидаги гувоҳнома қўрсаткичлар, зарур.

Ҳужжатлар 20 апрелдан 31 августгача қабул қилинади.
Кириш имтиҳонлари 15 майдан 10 сентябргача бўлиб ўтади.
ҲАММА МУТАХАССИСЛИКЛАРГА КИРЎУЛДИ: ўзбек (рус)
тили ва адабиёти (ёзма), математика (оғзани), СССР тарихи
ва географиядан кириш имтиҳонлари топширадилар.

Қабул қилиш қондалари ҳақида маълумот олиш ва
ҳужжатлар топшириш учун қўйидаги адресга мурожаат
қилишнинг мумкин:
700063, Тошкент шаҳри, 63-ахона бўлими, Олмазор кўчаси,
183-уй, сиртиги Ҳўш бўйича қабул комиссияси. Канцелярия
телефони 44-32-13.

ИНСТИТУТ ФИЛИАЛЛАРИ:
АНДИЖОН ШАҲРИ, Жданов кўчаси, 56-уй. Телефонлар:
51-552, 56-235.
КАРШИ ШАҲРИ, Дзержинский кўчаси, 32-уй. Телефон
73-76.
ХИВА ШАҲРИ, Қорақўмсан кўчаси, 12-уй.
ҚУҚОН ШАҲРИ, Халла кўчаси, 17-уй. Телефон 26-63.
Самарқанд шаҳридаги ўқув-консултация пункти, Самар-
қанд шаҳри, М. Горький хйбони, 10-уй. Телефон 50-904.

**МУТАХАССИСЛАР
ДИҚҚАТГА!**
«ТАШКИН» шаҳар китоб
савдоси магазинлари
САВДОСИ

«ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ
ИЗОҲЛИ ТУГАТИ»
КИТОВИ
(2 томда)

МАВЖУД
«РУССКИЙ ЯЗЫК» нашри-
тида 1981 йилда босиб чиқа-
рилган.
Баҳоси — 15 сўм 50 тиини,
Луғатга 60 мингга яқин сўз
ва сўз бирикмалари киритил-
ган.

Луғат ўзбек тили бўйича
мутахассислар, матбуот, ра-
дио, телевидение ходимлари
ҳамда турлоқлар учун мул-
жалланган.

Бу луғатни, шунингдек
«КНИГА-ПОЧТА» орқали (Вол-
гоград кўчаси, 10-уй) нўсмин-
ча ҳақ тўлаб сотиб олиш мум-
кин.

**Х. ҚУҚОНОВ,
Ж. БОБОВЕВ.**

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

**АКАДЕМИК И. П. ПАВЛОВ
НОМИДАГИ САМАРҚАНД
МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ**
1982 йил 4 СЕНТАБРДА
институт даволаш факультети
1967 йилда битириб
кетганлар билан

УЧРАШУВ УТКАЗАДИ
Учрашувда қатнашиш ста-
гини билдирганлар қўйидаги
адресга мурожаат қилинлар:
703010, Самарқанд шаҳри, 10-
ахона бўлими, Дабоитская кў-
часи, 86-уй. Абдуллаев Нур-
мамат. Телефон 5-32-63.

1-ТРАМВАЙ ДЕПОСИГА
бош бухгалтер, бош бухгал-
тер ўринбосари

КЕРАК
Мурожаат учун адрес:
Тошкент шаҳри, Пролетар кў-
часи, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона
— аҳолини ишга жойлашти-
риш бюросининг марказий
пункти.

**РИХИСОН
НОСИРОВНИНГ**
вафот этганлиги муносабати
билан чуқур таъзия илхор қи-
лади.

Ўзбекистон ССР Телевидение
ва радиотелевизион даялат ко-
митетининг республика радио-
электроник коллективни Адабий-драма-
тиқ эштинилар бош редак-
циясининг катта редактори
А. Носировга онаси

**Уғиллой
ХУЖАЕВНИНГ**
вафот этганлиги муносабати
билан чуқур таъзия илхор қи-
лади.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўр-
та махсус таълим министрлиги
раҳбарлиги, партия ва қасаба
союз ташкилотлари Тошкент
полияграфия техникуми дирек-
тори А. Р. Ҳўжаева онаси